

# ЖАЛДК СЎЗИ

1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

24 июнь, пайшанба № 121 (626)  
1993 йил.  
Сотувада эркин нархда.

## ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА САРМОЯ САРФЛАБ, БИЗ БИЛАН ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИ ИСТОВЧИЛАР СОНИ КУНДАН-КУНГА ОРТИБ БОРАЁТИР

ФРАНЦИЯНИНГ ЭЛФ КОМПАНИЯСИ ШУЛАРДАН БИРИ

### ЭЛФ ЯНГИ «ҚОРА ОЛТИН» МАМЛАКАТИНИ КАШФ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда кейинги йилларда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, кенг қўлланма ислохотлар дунё ишбилармонлари, давлат ва хусусий компанияларнинг, қолверса, оммавий ахборот воситаларининг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон иқтисодига сармоя сарфлаб, биз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишни истовчилар сони кундан-кунга ортиб бораётди. Франциянинг «Элф-Актен» компанияси шулардан биридир. Компания вакили, машҳур ишбилармон Эндрио Гельфи жаноблари юртимизда икки марта бўлди. «Элф-Актен» компанияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида нефть қазиб олиш, шакар ва фармацевтика заводлари ҳамда хашаматли меҳмонхоналар қуриш соҳасида ҳамда ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди.

### Ўзбек нефтидан бизнинг моторларимизгача

ЭЛФ АМЕРИКАЛИКЛАРДАН ОЛДИН ЎЗБЕКИСТОН ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИГА ЕТИБ БОРДИ. У ЕРДА УРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИГА НЕФТЬ МАВЖУД.

Адвокат, ишбилармон ва миллионер бўлиб Роберт Страус 8-10 ой муқаддам, АҚШнинг Москвадаги элчи-си Лавоинига тайинланганидан кейин бироз ўтказиб, буни даб тиб олди: йилнинг 25 да бўлиб, чўнтағида 100 минг доллар пулим бўлганда, ўз маблагимни ана шу жойга сарфлаган бўлардим. Собiq СССР таванкал қила оладиган ишбилармонлар учун янги олтин конига айланади.

Роберт Страус Элф Актен компанияси билан Ўзбекистон Республикаси битим имзоланиши шохиди бўлган, бу битимга Ўзбекистон Республикаси номидан Президент Каримов имзо чеккан эди. Битимга мувофиқ француз компанияси шу мингтақадан катта нефть конларини ишлашти мажбурийлигини олди. Бу ерда, Орол дегизининг шарқда, Қозғоистон, Туркманистон ва Ўзбекистон чегаралари тутаган жойда бехисоб нефть захиралари бор. Биз МДХ ҳудудда Урта Шарқдаги нисбатан ҳам кўпроқ нефть борлигини биламиз. Шу мингтақадан нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар яқин йиллар ичида Араб амирликларининг тараққиёт даражасига етиб олиши мумкин. СССР барбод бўлганидан сўнг икки йил мобайнида Каспий бўйи зонасида нефть конларидан фойдаланиш ташлашди аҳволга тушди. Кўп миллионларга мансуб бўлган нефть сўзиси равишида шифтисиз рақобатни келтириб чиқаришни айтиб ўтиришга ҳожат бўлмас керак. Элф компанияси бошқармаси директори Мишель Бартиеннинг сўзларига қараганда, бу муҳим ҳаётий масалалар. Россия ва Қозғоистонда танилган француз компанияси энди Ўзбекистон томонига назар ташламоқда. Американинг Флора ва Тэксаско деган икки компанияси ҳам шу қаторда турибди.

Шоҳидларнинг айтишларича, Тэксаско вакиллари доллар тула чамадонлари билан Тошкентга боришди. Улар битим тузишни хоҳлайдилар. Лекин Флора ва Элф компаниялари ҳам пайт пайлаб турибди. Шу ўйинда собиқ СССР-ни яқин биладиган ишбилармон француз — Эндрио Гельфи таъсир ўтказди. У бутун дунёдаги давлатларнинг раҳбарлари ҳамда бу давлатларнинг вакиллари билан Лозанна шаҳрида жойлашган халқаро олимпиада комитетидаги иштиёқли муносабатларга асос солган.

Москва, Лос-Анжелес, Сеул, Барселона — олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган ҳамма шаҳарларда у ҳукумат даражасида қабул қилинган. Эндрио Гельфи Антонио Самаранча яқин одам, у халқаро олимпиада комитетининг вице-президенти Вил

талий-Смирновнинг ҳам яқин таниши.

Э. Гельфи Тошкентга қўниши биланоқ уни Президент И. Каримовга таништиришди ва шу дақиқаёқ улар ўртасида ҳамжиҳатлик вужудга келди. Улар иқтисодий тараққиёт ва халқаро ҳамкорлик тўғрисида суҳбатлашдилар. Э. Гельфи тез орада Ўзбекистон Президентининг шахсий маслаҳатчисига айланади.

Фирма Қозғоистон билан имзоланган битимга мувофиқ қазиб чиқариладиган маҳсулот қуйидагича тақсимилади: 80 фонзи — Қозғоистонга, 20 фонзи — француз томонига. Лекин ана икки соҳани: химия ва фармацевтика саноатини бизнинг тасарруфимизга беришга ишонтирдик. Бундай ёндашувда Элф француз технологиясининг намунасига айланади. Бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистон томони ёрдам берди. Музокараларнинг шу босқичда молиявий масалаларни келишиб олишгина қолди.

Ўзбекистондаги француз сармоясига қандай қаролат берилади? Бу ҳусусда Элф француз ташқи савдо сугурта компанияси — Корсага мураккаб қилди. Лекин бу компания Ўзбекистон жуда ёш мамлакат, у зарур нафоларни бера олмайди, деб рад этди. Шунга қарамай Ўзбекистон ҳукумати қаролат та-риқсидан 300 тонна олтинни Швейцария банкига қўйди. Қўллаб олинган қазиб чиқарилган ёш республика хорижий сармоядорларни рағбатлантирмоқда. Ислоом Каримов халқаро дипломатия майдонига чиқиб ўзларини изламоқда.

70 йил давомида «рус оғалар» соясид қилиб кетган Ўзбекистон ўз қиёфасига эга бўлмоқда. Ипак йўли даврида, Хитойга кетаётган қаровонлар йўл-йўлакай Бухоро ва Самарқандга тўхтаб ўтган даврларда Ўзбекистоннинг ўз қиёфаси бор эди.

Ислоом Каримов сайловчилар овозининг 86 фонзи билан республика Президентини эғиб сайлаган. Элф билан тузилган битим тараққиёт жараёнини олға силжитиш учун жуда маъул ҳодисадир. Ислоом Каримов Хельсинкида Миттеран билан учрашган, энди Парижда учрашишни орау қилмоқда. Йил бошида Ўзбекистон делегациясини Шарль Паска қабул қилган эди. У Ўзбекистон иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш учун ўз департаментидаги барча корхоналарини жалб этишга ваъда қилмоқда.

Э. Гельфи тўртта уч юлдизли меҳмонхона ва қанд заводи қуришга ваъда берди. Беш ой давомида битим узиш-кесил имзоланди. Келгуси йилдан эса маҳсулот ишлаб чиқариш бошланади.

Жером ФРИТЕЛЬ.



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Мухтарам ИСЛОМ АБДУГАНИЕВЧИ!  
Биз, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятининг уруш ва меҳнат фахрийлари ўз вақтида жонжон Ўзбекистонимизнинг фаровонлиги учун ҳалол меҳнат қилиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, деган шарафли унвонга сазовор бўлган эдик. Ватанимизнинг ҳар қарч ерига бизнинг пешона теримиз томган, боғларимиз, даладари- миз меҳримиз билан суғорилган ва бугунги кунда ҳам шундай, биз истиқлол туғайли мустақиллик йўлида мардона курашаётган халқимиз билан ҳамдам, ҳамна- фасимиз.

Айни пайтда Сиз 1993 йил 7 майда «Собиқ ССР Иттифоқининг муқофотлар ҳақидаги қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларни Ўзбекистон Республикаси фуқаро- ларидан сарлаб қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо че- киё, қалбимизда жўш уриб турган ана шу туйғуларимиз- ни янгиртирдигиз, қўнғил мулкимизни обод этдингиз.

Юксак маданият ва инсонпарварлик фазилати тисмо- ли бўлган мазкур фармон нафақат биз — меҳнат қаҳ- рамонларининг, балки, уруш йилларида Ўзбекистон иқти- содини, фани, маданиятини юксалтиришда ҳамда халқ- лар ўртасида дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик муносабат- ларини қарор топтиришда хизмати синган ҳар бир ки- шининг меҳнати қадр топаётганидан далолатдир. Биз ниҳоятда ҳаяжондамыз. Сизга ва Сиз юртайётган оқило- на сибсатдан миннатдорчилигимиз рами ўлароқ рес- публика уруш ва меҳнат Фахрийлари кенгаши ташаббу- си билан биринчи марта давра қурди, бир-биримизни танидик, дилдан суҳбатлашдик.

Уруш йилларида ва ундан кейинги даврда хизмати

олишган, давлат унвонларига сазовор бўлган биз фуқаро- ларга берилган юксак баҳо ўз моҳияти билан давлат аҳамиятига эгадир. Бу нарсга мустақил Ўзбекистонда келажак авлодини жамиятга ҳурмат, меҳнатга сиқиди- ладан муносибат руҳида тарбиялашда хизмат қилади. Зеро, Ватан — мустақиллиги, унинг фаровонлиги йўлида қилинган хизмат ҳеч қачон унутулмайди.

Биз ўз анжуманида ана шулар ҳақида гапириб, Сизнинг Ватанимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган сибсатингиздан қониқиб ҳосил қилаётганимизни баён этдик.

Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрў- эътибори тобора ошиб бораётгани, халқларимиз ўртаси- даги дўстлик ва тинчликнинг барқарорлиги, шуҳасиз, Сизнинг номингиз билан боғлиқ. Бунга бугунги кунда нафақат биз, балки, дунё кўрган эотлар ҳам таъкидла- ётгани бежиз эмас.

Шунингдек, Сизнинг республикамизда бозор муноса- батларини шакллантиришдаги тадбиркорлигингиз, ай- ниқса иқтисодий ислохот шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бобидagi ишбилармонли- гингиз бизни ёрқин келажакдан умидвор этади.

Биз Сизга ишонамиз, қўлимиздан келганча имко- ниятимизни, йиллар давомида Инган билим ва тажри- баларимизни улуғ, айни пайтда муқаддас ишга сафарбар этишга тайёрлигимизни билдирамыз.

Учрашув иштирокчилари номидан:

Т. Саримсоқов, А. Қодиров, Л. Ли, Н. Ҳамроев, М. Исоқова, Б. Раҳимов, М. Убайдуллаева, А. Чудная.

Вазирлар Маҳкамасининг Раисси И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри,  
1993 йил 23 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Мухтарам ИСЛОМ АБДУГАНИЕВЧИ!  
Ўзбек халқи истиқлолнинг қиёқа фурсатдаги муваф- фақиятлари бутун дунё кўз олдига намоян бўлмоқда. Жа- ҳон аҳолисина эришган Ўзбекистонда Сиз олиб бораёт- ган сибсатининг ҳаётлигини, тан олмақда. Бу улкан ютуқдир.

Ўзбекистоннинг бугунги нурафшон кунлари, бай- рамлари Сизнинг эзгу ишларингиз билан боғлиқ. Истиқ- лом қувончлари, қалбларга қайтган буюк боқоқлонла- римизнинг номлари дол бўлган қадимийми тиллади, дил- ларимизга малҳам бўлди.

Сизнинг воқелик ва ҳодисаларга чуқур ёндашиб, до- нишмандлик билан, етти ўлжаб бир кесиб олиб бораёт- ган изчил сибсатингиз туғайли Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик сақлабгина қолмай, кун сайин мустақ- камланмоқда.

Биз барчамиз тамомла янги замонда яшаб, меҳнат ва ижод қилиб турганимизни, оламшумул тарихий жа- раёнлар, унутилмас кунлар, воқеалар иштирокчилари эканлигимизни чуқур ҳис этмоқдамиз. Республика омма- вий ахборот воситалари ходимлари олдида давлатимиз мавқеини дунё миқёсда янада ошириш, юртимиз та- раққиёти учун хизмат қилишдек улкан вазифалар ту- рибди.

Сиз олиб бораётган изчил ривожланиш, янгиланиш сибсати, истиқлол мафқурасини шакллантиришда, ас- рий қадриятларимизни тиклашда, мустақиллик ва ва- танпарварлик туйғуларини ҳар бир қалбга етказишда биз, журналистлар ўз масъулиятимизни чуқур ҳис эта- мыз.

Хурматли ИСЛОМ АБДУГАНИЕВЧИ! Мустақилликка эриш- ган давлатнинг байрамлари ҳам унга хос бўлади. Гу-

Республикамизнинг хуш- манзара, тоғлиқ туманла- рдан бўлган Сўхда яша- ётган Сайлиносо момо Олимова бу йил 110 ёшга қирадилар. Момо 130 дан зиёд неварчава- ралари қуршовида кекса- ларни гаштини сузмоқда. Та- баррук онахон Сўх ёш- ларининг меҳрибон масла- ҳатқўйи ва дуоғўйидир.

СУРАТДА: Сайлиносо мо- мо келини Нарзинсо опа билан.

### ЎЗБЕКИСТОН Ватаним манчим

«Халқ сўзи» ва Ўз А  
мухбирлари хабар  
қиладилар

#### БОБУРНИ ҲАМ РОМ ЭТГАН ҚИШЛОҚ

АНДИЖОН. Дилқушо қишлоғида қад кўтарган янги дам олиш маска- нига дастлабки миқозлар келишди.

ВИЛОЯТ халқ таълими ходимлари ором- гоҳни Бобур номи билан аташлари бежиз эмас. Қишлоқ ҳавоси, суви, мевалари Заҳи- риддин Бобурни ҳам ром этганди. Манбалар- нинг гувоҳлик беришича, у яқинлари билан шу ерда чодир тикиб ҳордиқ чиқариш, учун тез-тез келиб турган экан. Энди қасаба уюш- маларининг имтиёзли йўлланимлари билан уч ой мобайнида халқ таълими ходимларидан бир ярим минг ўқитувчи дам олади.

#### АРАВА ТРАКТОРДАН ҚОЛИШМАДИ

МАРГИЛОН. Трактор-таъмирлаш за- водига от-арава тайёрланяпти.

ЕНИЛГИ-моёлаш, эҳтиёт қисмларнинг нар- хи тобора ошиб бораётган бир пайтда юмуш- ларни механизация ёрдамида бажариш қи- матга тушяпти. Шу боси бу аравалар ҳужа- лиғи фермерларга қўл келаяпти.

#### ОШПАЗЛАР ХОРИЖДА ИШЛАШГАН

САМАРҚАНД. Янги савдо мажмуи очилди.

У «Янги замон» ўзбек-америка қўшма кор- хонаси билан савдо институтини инновация-ти- жорат маркасининг биргаликда маҳсултидир. Хорижда тажриба орттириб келган пазан- дарлар ҳар кучи беш минг ҳўранлага 32 ь хил таом тайёрлайди; Ошхонада пазанда ва қан- долатчилик мактабига ҳам очиб режалашти- рилган.

#### ХОДИМЛАРИНИГИЗНИ ТАРТИБГА ЧАҚИРИНГ-ДА

ТЕРМИЗ — Сарсонёё поездни қат- ни бошлаганидан йўловчилар хур- сонда.

АММО темирйўл бўлими бош муҳандиси А. Маткаримов йўловчилар чипта олмай ярим пулин вагон кузатувчиларга бериб манзил- ларига етиб олаётганларга, қасаба қул- тушмаётганидан қўйиб қорбди. Бунинг ўр- нига аввало вагон кузатувчилар бўлган хо- димларнинг тартибга чиқарилиши, жазао чора- лари қўрилса, ҳаммаси изга тушиб кетарди.

#### СОВУН ЭЗМИЗДАН ЧИҚАДИ

ТОШКЕНТ. «Тўздогон» ўзбек-корейс қўшма корхонаси совун тайёрлайди- ган бўлди.

ХОМ АШЕ бисёр Узоқдан ташиб келин- майди. Шоллин гуручга айлаштириш пайтида ажралиб чиққан ёшли чиниш шу мақсадда қай- та ишланяпти. Корхона эҳтисозлари ва тех- нологисини хорижийлар олиб келишди. Иш жараёни — совунларни бўлакларга ажратиб ва тахлашни «ақли» машиналар бажаради.

#### РАҚОБАТ СЕРГАКЛАНТИРДИ

ЯНГИЕР. Уруш ва меҳнат фахрий- лари кенгаши аҳолига транспорт хизмат қўрсатадиган кичик корхо- на ташкил этди.

МАХАЛЛИЙ тақозалар ҳайдончилари ра- қобатчилар пайдо бўлганидан сергакланиб қо- лишди. Чунки фахрий ҳайдончилар олаётган хизмат ҳақи йўловчиларга малол келмаяпти. Даромаднинг бир қисми ҳолатнамаларга ердан кўрсатиш ниятида фахрийлар мажгармасига ўтказилаяпти.

#### ХОРИЖИЛАР ҚАРАШИБ ЮБОРИШМОҚЧИ

НАМАНГАН. Бу йил виллоятнинг қатор хўжалиқларига 50 тановдан майдонга пёёз эшига рухсат этил- ди.

ЕТИШТИРИЛГАН ҳосилнинг ҳаммаси Тў- рақўрғондаги «Ширинлик» комбинатида қайта ишланади. Бундан хабар тошган Олмо- нининг «Шил» фирмаси ишбилармонлари измиладлик деҳқонларга ишбилармонлари ҳо- силни навнин тасвир қилишди. Хатто шарариш жараёнида қарашиб юборишларини ҳам маъ- лум қилишди.

#### ЯНГИДИКЛАР



**Tabani**  
GROUP OF COMPANIES

# POLO

## УНУТИЛМАС

Бизнинг Ўзбекистондаги савдо агентларимиз: "Мунис ЛТД", "Хесо ЛТД" фирмалари ҳамда "Фрия" фирмаси.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент, Катта Миробод кўчаси, 158 (Ивлев, 67), Табани групп оф компаниз.

Телефонлар:  
(3712) 32 35 53,  
54 06 70,  
54 07 98,  
55 35 49

Факс:  
(3712) 54 08 30  
Телекс:  
116416 TBANI, SU

KING SIZE  
FILTER

бошқарувини Аббосхон

Чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!

Биз чекмайдиганларни чекишга даъват этмоқчи эмасмиз. Лекин чекувчилар сифатли "ПОЛО" сигаретларини чекишларини хоҳлаймиз.

